



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЁШ ОЛИМЛАР КЕНГАШИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ БИРЛАШGAN
КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ**

XXI АСР – ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЁШЛАР АСРИ

**мавзусидаги Республика илмий ва илмий-назарий
анжуман**

24 апрель 2020 йил

Тошкент – 2020

Литература:

1. Хафизов М.М., Каримов З.Ш. «Интерполимерные комплексы в решении экологических и водных проблем». Сборник материалов конгресса. г. Москва. 2002 г. стр. 65.
2. Мухаммедов Г.И., Бараев А.А. «Перспективы применения гидрохимелиорантов в целях защиты биосферы и проблемы водных ресурсов». Сборник научных трудов. г. Джизак. 2009 г.

КОВУЛ ЎСИМЛИГИДАН СТАХИДРИН АЛКАЛОИДИНИ АЖРАТИБ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Р.А.Ботиров – PhD, Д.К.Муталова – к.и.х., А.З.Садиков, Ш.Ш.Сагдуллаев
ЎЗР ФА акад. Ўсимлик моддалари кимёси институти,
Ш.З.Турсунова – Тошкент Фармацевтика институти магистратура талабаси.
botiroovr@mail.ru, noza-gold@mail.ru

Стахидрин алкалоидини тузилишини, физик-кимёвий хоссалари, биологик фаоллиги, фармако-токсикологик хусусиятларини ўрганиш учун ушбу алкалоидни *Lagohillus inebrians*, *Stachys lanata Jacq*, *Leonurus quinquelobatus Gilib*, *Phlomis tuberosa*, *Capparis spinosa* каби ўсимликлардан ажратиш олиш усуллари адабиётлардан маълум [1,2,3,4,5].

Ўсимликлардан стахидрин алкалоидини ажратиш олишнинг мавжуд усуллари технологик жиҳатдан самарасиз ҳисобланади [6].

Ҳозирги вақтда Ўсимлик моддалари кимёси институти фармакология ва токсикология бўлимида стахидрин алкалоиди асосида қон тўхтатиш хусусиятига эга бўлган янги дори воситасини яратиш устида илмий тадқиқот ишлари бошлаб юборилган. Ушбу дори воситаси субстанциясини суртма ва пластир ҳолатдаги тайёр дори шаклини ташқи қон кетишларида юқори самара бериши аниқланган [7].


Юқоридагилардан келиб чиқиб, мамлакатимизда ёввойи ҳолда ўсадиган ковул (*Capparis spinosa*) ўсимлиги ер устки қисмидан стахидрин алкалоидини Ўсимлик моддалари кимёси институти Тажриба-технология лабораториясида ушбу алкалоидни саноат миқёсида ишлаб чиқариш технологиясини яратиш юзасидан илмий-тадқиқотлар олиб борилиб, хомашёни экстракция қилиш жараёнлари ўрганилган [8].

Ҳозирги вақтда ўтказилган илмий-тадқиқотлар асосида ўсимлик хомашёсидан стахидрин алкалоидини қуйидаги яратилган блок схема орқали ўсимлик хомашёсидан сақланишига нисбатан 70-75% унум билан ишлаб чиқариш мумкинлиги аниқланган (блок схема 1).

Ҳозирги вақтда стахидрин алкалоидини қон тўхтатиш хусусиятлари бўйича ЎЗР ССВ “Дори воситалари тиббий буюмлари ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси Давлат маркази” Давлат унитар корхонасидан ушбу дори воситасини клиник синовларини ўтказиш учун рухсат олишга барча керакли бўлган меъёрий-техник ҳужжатларни тайёрлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Адабиётлар:

1. Проскурнина Н.Ф., Уткин Л.М. О dl-стахидрине в растении Лагохилус // Мед.пром.СССР. - 1960. -9.30. -С. 30-31.
2. Алиев А.М. Материалы к химическому исследованию чистеца шерстистого и чистеца баланзы // Докл. АН АзССР. -1958. -Т.14. -№7. -С. 553-555.
3. Козлова Л.М. К фитохимии пустырника пятилопастного // Фармация Москва. “Медицина” -1967. -№6. -С 23-26.
4. Хохрина Т.А., Пешкова В.А. Стахидрин из *Phlomis tuberosa* и *Panzeria lanata* // Хим.природ.соед. Ташкент. -1974. -№1. -С. 265.



1-рasm. Стахидрин алкалоидини ковул ўсимлиги ер устки қисмидан ажратиш олиш блок схемаси.

5. Мухамедова Х.С., Акрамов С.Т., Юнусов С.Ю. Стахидрин из *Capparis spinosa* // Хим.природ.соед. Ташкент. -1969. -№1. -С. 67.
6. Мухамедова Х.С., Акрамов С.Т., Юнусов С.Ю. Стахидрин из *Capparis spinosa* // Хим.природ.соед. Ташкент. -1969. -№1. -С. 67.
7. Азизова М.А., Жалилов Х.К., Ботиров Р.А., Муталова Д.К., Сагдуллаев Ш.Ш. Разработка и оценка мази “Кростопидин” // Фармацевтический вестник Узбекистана. Ташкент. - 2016. - № 4. -С. 52-55.
8. Botirov R.A., Azizova M.A., Ahmedov V.N., Valiev V.N., Sadykov A.Z., Sagdullaev Sh.Sh. Factors influencing on the extraction of stahydrine alkaloid from plant *Capparis spinosa* // Фармацевтический журнал. Ташкент. -2017. -№4. -С. 54-58.

ЗООПЛАНКТОННИНГ БАЛИҚ ЧАВОҚЛАРИ УЧУН ОЗУҚА АҲАМИЯТИ
С.Б.Бўриев – б.ф.д., профессор, Ш.Р.Шаропова, Л.Т.Юлдашов – таянч докторантлар.
Бухоро давлат университети. lazizbek.yuldashov@mail.ru

Онтогенезда балиқ озикланишини ўрганиш катта иқтисодий аҳамиятга эга. Чунки балиқ личинкалик этапининг маълум босқичида эндоген, яъни сариқлик ҳисобида яшайди. Г ривожланиш этапига ўтиши билан барча балиқ турларининг малкилари (балиқча) экзоген озикланишга ўтади. Бу даврда барча балиқ чавоқлари ва малки (балиқчалар)лари зоопланктон билан озикланади. Кўпчилик ҳовуз балиқчилиқ хўжалиқларида балиқларнинг чавоқлик ва малки (балиқча) даврида ун билан боқилади. “Бухоро балиқ” МЧЖ 30 млн балиқ чавоғини 10 кун боқиш учун ҳар йили 4,5 – 5,0 тонна ун сарфланади. (2007 й ҳисоботидан). Балиқ чавоқларини ва малкиларини (балиқча) экстенсив усулда боқиш иқтисодий аҳамиятга эга. Г.В. Николский (1953, 1975), Д.С. Ниёзов (1979) маълумотлари бўйича табиий озуқа билан боқилган чавоқлар, малкилар куйидаги хусусиятга эга бўлади:

- Чавоқ ва малкилар бир хил катталиқда ўсади.
- Чавоқ ва малкиларнинг ҳаётчанлиги ошади.
- Чавоқ ва малкиларнинг улуши камаяди.
- Балиқ махсулдорлиги 20 – 25 % ошади.

Агар личинка ва малкиларни озуқа билан таъминлаш даражаси паст бўлса, тескари ҳолат юз беради. Ўсиш секинлашади, турли хил катталиқ юз беради, ўлжа бўлиш сони ортади, ҳаётчалиқ даражаси пасаяди, балиқ махсулдорлиги 20 – 25 % ошади.

Кўпчилик балиқларда (қари, оқ амур, дўнгпешона) ўлим пассив озикланишдан (сариқлик билан озикланиш) актив озикланишга (зоопланктон билан озикланишга) ўтиш даврида нобуд бўлади. Балиқ чавоқлари ва малкилари истеъмол қилинган озуқани таркибини аниқлаш учун ўрганиладиган балиқ чавоғи ва малкисини ичак трактига озуқа объекти ўрганилади. Уларнинг ривожланиш стадиясига қараб куйидаги усуллар қўлланилади:

С₁ – Д₁ этапида бўлган чавоқларни тўғридан – тўғри ичагини чиқармасдан МБС – 1, МБС – 2 бинокуляр микроскоп ёрдамида Петри стаканида кўздан кечирилади. Балиқ чавоғи бу – ривожланиш этапида тиниқ бўлади. Ичакдаги барча озуқа объекти яхши кўринади.

Д₂ – э ривожланиш этапида ичакдаги бор объектлар энтомологик нина ёрдамида Петри стаканига чавоқ узунлиги окуляр – микрометр ёрдамида унинг узунлиги ўлчанади. Энтомологик нина ёрдамида чавоқнинг халқум томонидан ёриб ичакдаги озуқа объектини предмет шишасига чиқарилади.

Ф – Г – ривожланиш этапида узунлиги 2 – 3 см бўлган малки (балиқча) ларни олиб ичакдаги бор озуқа объекти чиқарилади ва ичи ўйилган предмет шишасига ўтказилади.

Бу ривожланиш этапида (Ф , Г) ичакни очишда лезвя ёки скалпел ишлатилади. Ичакдаги озуқа объектиларни предмет шишасига ўтказилгандан кейин МБС – 1 микроскопи билан кўриб чиқилади. Бунинг учун ичак ортиқча нарсалардан тозаланади. Сўнгра ичак предмет шишасига ўтказилади. Сўнгра энтомологик нина ёрдамидан